

ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИНГ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ

Ўринбаева Дилфуза Абдуманнобовна

Мустақил тадқиқотчи

**Аннотация:** Мазкур мақолада ёшларни ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий соҳага қизиқтиришнинг ватанпарварлик омиллари ҳақида маълумотлар берилган. Бугунги кунда ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш учун тайёрлаш Давлат миқёсидаги энг муҳим вазифа саналади. Шунингдек, Ёшларда ватанпарварлик ғояларини шакллантириш, онги ва тафаккурига ватан химояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини сингдириш туйғусини уйғотишдан иборат.

**Калит сўзлар:** Маънавий жасорат, мерос, маънавий таҳдид, маърифат, ахлоқ, касбий тарбия.

**Аннотация:** В данной статье представлена информация о патриотических факторах привлечения молодежи на военную поприще в военно-учебных заведениях. Сегодня подготовка молодежи к службе в Вооруженных Силах Республики Узбекистан считается важнейшей задачей на государственном уровне. А также формирование патриотических представлений у молодежи, внушение в ее сознание и мышление того, что защита Родины является почетным и священным долгом.

**Ключевые слова:** Духовное мужество, наследие, духовная угроза, просвещение, нравственность, профессиональное образование.

**Annotation:** This article provides information about the patriotic factors of attracting young people to the military field in military educational institutions. Today, training young people to serve in the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan is considered the most important task at the state level. Also, it is to form the ideas of patriotism among the youth, to inculcate in their mind and thinking that the protection of the homeland is an honorable and sacred duty.

**Key words:** Spiritual courage, heritage, spiritual threat, enlightenment, morality, professional education.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича мамлакатимизда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Сабаби ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган шароитда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ долзарб вазифалар ва уларни ҳал этиш йўллари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг бу борадаги

роли ва аҳамиятини, о'зaro ҳамкорлигини миллий ва халқаро ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 23-февралдаги 140-сон қарорига биноан “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепсияси” ишлаб чиқилган бўлиб ушбу концепциянинг 2-бобида Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ва асосий вазифалари<sup>4</sup> аниқ белгилаб берилган. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч ва ҳарбий шароитда Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат. Шу билан бирга миллатлар орасида бузғунчилик сиёсатнинг олиб борилиш фаолияти.

Халқнинг тинч ҳаёти ва мамлакат ҳавфсизлиги кафолати, мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйган ёш мамлакат мустақилигини куриқлайдиган Қуролли Кучларимизнинг тарихий вазифаси.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида ёзилган: Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчидир. Бу мажбуриятимиз асосий қомусимизда ҳам мустаҳкамлаб ўтилган.

Бу борада қабул қилинган 2022-2026 йил давлат дастурининг 100 та мақсадининг<sup>5</sup>. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирлари самарадорлигини ошириш. 90-91-мақсади: Давлатнинг мудофаа қобилятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилятини кучайтириш. Барча бўғиндаги ҳокимият органлари раҳбарларининг қўшинлар кундалик ҳаётида, ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этишини таъминлаш. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш, Қуролли Кучларнинг барча давлат идоралари, муассаса ва корхоналар учун етук кадрлар тайёрлайдиган мактабига айланишига эришиш. Мамлакат ҳарбий ҳавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш. Қуролли Кучлар ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва рақамлаштиришни янада такомиллаштириш. Қуролли Кучларда ягона ахборот коммуникация тизимини яратиш ва ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш. Мудофаа вазирлиги

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори. Тошкент., 2018 йил 23 февраль, 140-сон.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 28-февралдаги ПФ-27-сон Фармони, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” давлат дастури. Халқ сўзи газетаси 2023 йил, 1 март, 42 (8385).



қўшинларининг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги ҳамда ўқув моддий-техника базасини янада такомиллаштириш. Фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибини янада такомиллаштириш.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралаш ва танлаб олиш тизимини янада такомиллаштириш каби Мард ўғлон ҳақида Маҳмуд Замахшарий ёзади: “Мард киши мағлуб бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмас, машаққату ташвишга гирифтор бўлса-да, хор бўлмас”. Демак, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон жумладан Ватанни севадиган, ватанпарвар жонкуяр сифатида тарбиялаш муҳим вазифалардан саналади. Мана шундай долзарб вазифанинг муваффақиятли амалга оширишда асрлар синовидан омон ўтган, неча-неча давр кишиларини эзгу хислат ва фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашга яқиндан ёрдам берган буюк алломаларимиз ҳаёти, уларнинг дунё тамаддунига муносиб улуш бўлиб қўшилган маънавий мероси, асарларидан тўлақонли фойдаланиш лозим. Бундай имконият фақат мустақиллик сабаблигина яратилди.

Ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш учун тайёрлаш Давлат миқёсидаги вазифа саналади. Шу вазифани ҳал қилишда “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик, шу жумладан фуқаро муҳофазаси ва тиббий билим асослари бўйича тайёргарлик ўқув дастуридаги мажбурий фан бўлиб, умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларида чақирувга қадар тайёргарлик ўқитувчилари томонидан битириш йили арафасидаги курслардан ёки синфлардан бошлаб ўтилади”<sup>6</sup>. Бу борада Ёшларга ҳарбий таълим беришда уларга қўшинларнинг ўқув-жанговар фаолиятида бажариладиган машқлар, ҳаракатлар ва амалларни ҳарбий қисмлардагидек ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Бу машқларни кўп маротаба такрорлаш натижасида ёшларда зарурий ҳарбий билимлар ва касбий кўникмалар асослари юзага келади. Миллий ўзликни англашнинг ривожланишида миллий ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган, теран фикрловчи ёшларни тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун Ватан ҳимоясига тайёрланаётган ёшларимизнинг ҳар бири юксак ватанпарварлик руҳида тарбияланиши шарт. Ватанпарварлик – юксак инсоний фазилат ҳисобланади. Ватанпарварлик комилликнинг энг ёрқин жиҳатларидан биридир. Шунинг учун ҳам Ҳадиси Шарифда “Ватанни севмоқ – иймондандур” деб даъват қилинади. Ваҳоланки, ўтмишда жаҳон сивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқнинг бугунги авлодлари, ўз меросларининг жаҳон халқлари томонидан эътироф этилишини таъкидлаб ўтиш жоиздир, зеро уларда бу каби ҳис – туйғулар миллий ғурур ҳамда руҳий баркамолликка этаклайди, миллий ўзлигини англашга интилишини кучайтиради.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 30-сентябрдаги ЎРҚ-718-сонли Қонуни 13-модданинг биринчи қисми, 30.09.2021-й., 03/21/718/0920-сон

Умумтаълим ўқув муассасаларида, ўрта махсус ва ўрта касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчиларни, шу жумладан олий таълим даргоҳларида таълим олаётган талаба – ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тайёрлаш эндиликда таълим – тарбия ишларининг барча тизимлари орқали амалга оширилмоқда.

Куйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий вазифалари ҳисобланади<sup>7</sup>: ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш; қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш; миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш; Дарҳақиқат, Ватанга нисбатан чинакам садоқат уни ҳимоя қилишга ҳам қодир бўлишни талаб этади. Ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш барча турдаги фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларининг асосий ўрин эгаллаши даркордир. Албатта бунинг учун талаба – ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг назарий ва амалий билимларига эга бўлиши, ўқув юртлардаги педагогик жамоаларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Уни муваффақиятли ҳал этишда “Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси” фанини янада такомиллаштириш бу жараёнларга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3216-сон<sup>8</sup> қарори билан ҳар бир вилоятда биттадан Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари ташкил этилган. Президентимизнинг ушбу қарорига асосан: 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Академия кундузги таълим шаклига қабул фақат ИИВ академик лицейлари, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари таркибидан амалга оширилади; Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги академияси ва Миллий гвардия Ҳарбий-техника институтига ўқишга киришда ИИВ академик лицейларининг битирувчилари учун уларнинг тест синовлари давомида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдорида қўшимча баллар тарзида имтиёзли шартлар назарда тутилади; Ички ишлар вазирлиги Академияси, ФВВ Ёнғин хавфсизлиги академияси ёки МГ Ҳарбий-техника институтига ўқишга кира олмаган ИИВ академик лицейлари битирувчилари Ўзбекистон Республикаси

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори. Тошкент., 2018 йил 23 февраль, 140-сон.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПҚ-3216-сонли “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 16.08.2017 йилдаги.



ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган тартибда устунлик асосида ички ишлар органлари хизматига қабул қилинади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича масалалар бошланғич ҳарбий тайёргарлик фанни мактабнинг қуйи босқичидан ўрганиш асосида ҳарбий соҳага янада қизиқишлари ортиб боради. Амир Темур “Темур тузуклари” асарида “Амр қилдимки, қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, унга уч нарса билан имтиёз берсинлар: фахрли хитоб, туғ ва ноғора топшириб, уни «баҳодир» деб атасинлар; уни давлат ва салтанат шериги (деб) билиб, кенгаш мажлисига киргизсинлар; унга чегара вилояти топширилсин ва ўша ерлик амирлар унга бўйсунсинлар. Агар амирлардан қайси бирови тўрани (хон ўғлини) енгса ёки бирон амирзодага шикаст етказса, ё бирор ўлка хонини мағлуб эца, уни юқоридаги тартибда мукофотласинлар.<sup>9</sup>

Хулоса қилиб, Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг модернизациялашувини йилдан йилга катта эътибор қаратилиб келинмоқда, бу эса Ватанпарварлик юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлашнинг гаровидир. Ҳукамолардан бири: “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур”, – демиш. “Алхосил, Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деб бежизга айтилмаган. У жамиятни ривожлантирувчи, шахсни фаол фуқаро мақомида ўз Ватанига фидойи бўлиб хизмат қилишга сафарбар этувчи ички куч сифатида хизмат қилади ва ижтимоий ҳодиса сифатида ҳар қандай миллат ва давлатнинг яшаши ва ривожланишини мустаҳкамловчи асосий омил ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев О‘збекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан ҳарбийларни табриклади. Халқ сўзи газетаси 2022 йил 14 январ №9 (8071).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПҚ-3216-сонли “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 16.08.2017 йилдаги.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 28-февралдаги ПФ-27-сон Фармони, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” давлат дастури. Халқ сўзи газетаси 2023 йил, 1 март, 42 (8385).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. Тошкент:, 2018 йил 23 февраль, 140-сон

<sup>9</sup> Темур тузуклари. -Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. -64-б